

Аллоҳ бандаларининг ҳолидандан ўта хабардор | Қуръони Карим дарслари (173-дарс)



19:00 / 20.10.2025 1407

Аллоҳ таоло Фотир сурасида шундай марҳамат қилади:

«Биз сенга ваҳий қилган китоб ўзидан олдинги нарсани тасдиқловчи ўлароқ айти ҳақдир. Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан ўта хабардор ва кўриб тургувчидир», деган (31-оят).

«Эй Муҳаммад, Биз сенга ваҳий қилган Китоб – Қуръон айти ҳақдир. Ундан бошқа ҳақ йўқ. Қуръоннинг ўзи, унинг таълимоти ва ҳукмлари ҳақдир.

Аллоҳ таолонинг ҳақ Китоби – Қуръони Карим **«ўзидан олдинги нарсани тасдиқловчи»**дир.

У ўзидан олдинги илоҳий китобларни тасдиқлаб келган. Чунки Қуръонни ҳам ўша китобларни нозил қилган Зот туширган.

«Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан ўта хабардор ва кўриб тургувчидир».

Уларнинг ҳар бир ишидан хабардор бўлиб, ҳар бир нарсасини яхши кўриб турибди. Вақти келганда ўзи билиб, муомала қилади.

Аллоҳ таоло яна:

«Сўнгра бу китобни бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик. Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор, улардан ўртачалари бор ва улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларга ўзувчилар ҳам бор. Ана шу айни улуғ фазлдир», деган («Фотир» сураси, 32-оят).

Бу оят мусулмон умматининг мақоми нақадар улуғ эканини яққол кўрсатмоқда. Аллоҳ таоло ўзининг ҳақ Китобига меросхўр қилиб, барча умматлар ичидан айнан мусулмон умматини танлаб олганини айтмоқда.

«Сўнгра бу китобни бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик».

Аллоҳ таоло Ўзининг боқий мўъжизаси бўлмиш ҳақ Китобини – Қуръони Каримни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматига мерос қилиб берди. Бу июятда шон-шараф ҳам, жуда улкан масъулият ҳам бор.

Ана шундай шон-шараф ва катта масъулият юклатилган уммат ичида турли кишилар мавжуд.

«Бас, улардан ўзига ўзи зулм қилувчилари бор»

Улар ўша шон-шарафга номуносиб ва зиммасидаги масъулиятни англаб етмаган осийлардир. Бу тоифадаги одамларнинг ёмонликлари яхшиликларидан кўп бўлади. Улар ўзларига ишониб топширилган ҳақ Китобга муносиб бўла олмай, ўзларига ўзлари зулм қилганлардир.

«Улардан ўртачалари бор»

Уламоларимиз «Ўртачалар» – фарз ва вожиб амалларни адо этадиган, ҳаромлардан узоқ бўлган, баъзи мустаҳабларни тарк этиб, баъзи макруҳларни қиладиган кишилардир», дейдилар.

«Улардан Аллоҳнинг изни ила яхшиликларга ўзувчилар ҳам бор».

Улар барча фарз, вожиб ва суннат амалларни тўлиқ адо этадилар. Барча ҳаром, шубҳали ва макруҳ амаллардан узоқда бўладилар. Бунинг устига, номига яхшилик бўлса, ҳаммадан ўзиб, етиб борадилар.

«Ана шу айни улуғ фазлдир».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.